2009 ЙИЛ, 10 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (11.339)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда республика Марказий банки ҳамкорлигида вилоят ишбилармонлари билан ўтказилган амалий семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.**

**● Самарқанд вилояти йиғин пунктида барча синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан соғлом чақирилувчиларнинг дастлабки гуруҳини муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, ҳарбийлар иштирок этди.**

**● «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳамда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкорликда 2009-«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишлаб «Қўшни қўшнига» меҳр-мурувват кунлари доирасида «Энг мурувватли қўшни» республика кўрик-танловини эълон қилди. Икки босқичда ўтказиладиган танлов ғолиблари Наврўз ва Рамазон ҳайити байрамлари кунларида аниқланади.**

**● Андижон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамда «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 65 та корхона ва ташкилот 282 та бўш иш ўринлари билан қатнашди ва 120 нафар маҳаллий ёшлар ўзлари ёқтирган корхоналарда ишлашга йўлланма олдилар.**

**● Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида тош кўтариш бўйича чемпионат якунланди. Унда энг юқори натижага эришган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси чемпионликни қўлга киритди.**

**● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Наманганда «Қизларжон» танлови ўтказилди. Қизларда тадбиркорлик ва ташаббускорликни ривожлантириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, шунингдек, уларни оилага тайёрлаш мақсадида ташкил этилган танловда вилоят мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этишди.**

**● Намангандаги йирик суғориш манбаларидан бири — Чортоқ сув омборида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилганидан сўнг иншоотнинг сув тўплаш ва ўтказиш қобилияти янада ортди. «Намангансувқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари бу ерда бир миллиард сўмликдан зиёд иш бажардилар.**

## ЖАҲОНДА

**● Украина Президенти Виктор Ющенко ICTV телеканалига берган интервьюсида Украинанинг 2009 йилга мўлжалланган бюджетининг имзоланишини катта хато дея баҳолади. Унинг фикрича, ушбу ҳужжатни қабул қилган Олий Рада сиёсий жиҳатлардан келиб чиққан.**

**● Германия иқтисодиёт вазири Михаэль Глос истеъфога чиқишни сўраб ГФР канцлери Ангела Меркелга мурожаат қилди ва унинг истеъфоси қабул этилди. Таъкидлаш жоизки, Глос истеъфога чиқиш тўғрисидаги қарорга ХСС партияси билан ўтказилган икки кунлик консультациялардан сўнг келди.**

**● Фаластиннинг ХАМАС радикал ташкилоти аъзолари Ғазо минтақасига тинч аҳоли учун БМТ томонидан жўнатилган инсонпарварлик ёрдамини янглишиб мусодара этгани учун БМТдан расман кечирим сўради ва бу юкларнинг қайтарилиши ҳақида баёнот берди.**

**● Австралия ўрмонларида давом этаётган кучли ёнғинлар натижасида 171 киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар бедарак йўқолди, 800 га яқин турар жой биносининг кули кўкка совурилди. Ҳозирда ёнғинни ўчиришга ҳарбийлар ҳам жалб этилган. Ёнғин содир бўлишига айбдор шахсларни аниқлаш бўйича суриштирув ишлари ҳам олиб борилмоқда. Шу кунгача Янги Жанубий Уэльс штатида икки киши ёнғинни содир этиш орқали одамларнинг ўлимига сабаб бўлганликда айбланмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, бундай кенг кўламдаги ёнғин Австралия тарихида биринчи марта юз бермоқда.**

**● Кеча Ой тақвими бўйича Янги йилнинг сўнгги кунида — Фонуслар байрами чоғида Хитой пойтахти Пекинда ҳам катта ёнғин рўй берди. Янги меҳмонхонада чиққан ёнғин ёнида жойлашган марказий телевидениенинг қурилиши тугалланаётган янги биносига ўтиб кетган. Натижада ёнғиннинг умумий майдони юз минг квадрат метрни ташкил этган. Телевидение биносидаги ёнғинни ўз вақтида ўчиришга муваффақ бўлинсада, меҳмонхона куйиб кул бўлган.**

**● Бугун яқинлашиб келаётган кучли бўрон муносабати билан Париждаги учта аэропорт ёпилди. Тобора тезлашиб, Франция пойтахтига ҳуруж қилаётган мазкур бўроннинг сув тошқинларини ҳам келтириб чиқариши айтилмоқда.**

**● Доғистонда жангариларни йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилди. Махачқалъа шаҳридан 10 километр узоқликда жойлашган посёлкада босқинчиларга қарши олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида учта жангари йўқ қилинган. Улар жойлашган ҳудудда текшириш ишлари олиб борилмоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент Давлат маданият институтида талабалар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирокида мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг таваллуд куни муносабати билан ўтказилган тадбир Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан шаҳримизда ёшлар иштирокида «Шаҳарлар жавоҳири» шиори доирасида ташкил этилган «Камолот зукколари» кўрик-танлови Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 102-мактабда битирувчи синф ўқувчилари ўртасида ташкил этилган кўрик-танлов «Биз танлаган йўл» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Тошкент — Шарқнинг машъали» мавзуида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги 123-мактабда ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг 568 йиллик таваллуд айёми ўқувчилар, ўқитувчилар, адабиётшунослар иштирокида кенг нишонланди.

● **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда китобхонлар, адабиётшунос олимлар ва фаол ёшлар иштирок этишди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 69-мактабда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорликларида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Солиқ билимлари — болаларга» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2009 ЙИЛ 6 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН ЖОЙЛАРДА ТАНЛОВ АСОСИДА САРАЛАБ ОЛИНГАН, ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ ЙИГИТЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**



*Қарор ва ижро*

## САРА ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ташкил этилган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар чақирув комиссияси раиси Н.Бахтиёров, шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Б.Жуманиёзов, чақирилувчининг отаси Б.Юнусов ва бошқалар мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим омил бўлмоқда.

– Ушбу ҳужжатга мувофиқ энди йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни



заҳирага бўшатиш йилига бир марта – февраль, март ва апрель ойларида амалга оширилади, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Набижон Ғаффоров. – Бу чақирув сифати ва самарадорлигини ошириш баробарида аскарларнинг ўқув-жанговар тайёргарлигини янада кучайтиради. Уларни хизматни сифатли ўташи ва ҳарбий мутахассислик бўйича замонавий дастурларни тўлиқ ўзлаштириши учун кенг имкониятлар яратади.

Шайхонтоҳурлик Фахриддин Миржалолов ўз йигитлик бурчини ўташ учун отланганлардан бири.

– 2008 йили Тошкент алоқа коллежини автоматик электрон алоқа йўналиши бўйича тамомладим, – дейди у. – Ҳарбий хизматда коллежда олган билимим қўл келишига ишонаман.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**
**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар**

## 17 ЙИЛ ДАВОМ ЭТАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК

***Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда. Ана шундай давлатлардан бири Корея Республикасидир.***

"The Korea Times" газетасининг навбатдаги сонида икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 17 йиллигига бағишланган мақола эълон қилинди.

"Ўтган қисқа давр мобайнида Корея мустақил Ўзбекистоннинг ишончли, синалган дўстига айланди, — дейилади мақолада. — Икки томонлама ҳамкорлик ва шериклик сиёсий, иқтисодий ва маданий фаолиятнинг қарийб барча жабҳаларини қамраб олган".

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончга асосланган яқин мулоқот ўрнатилган. Ўтган бир неча йиллар мобайнида фақат президентлар учрашувининг ўзи саккиз марта амалга оширилди. Икки томонлама муносабатлар тарихида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил февраль ойида Корея Республикаси Президенти Ли Мёнг-бакнинг президентликка қасамёд қабул қилиши муносабати билан Кореяга буюрган расмий ташрифи алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатлар раҳбарларининг Сеулдаги учрашуви ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган ўзаро муносабатларни олий даражадаги дўстлик янада мустаҳкамлаб турганини ёрқин тарзда намойиш этди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея стратегик ҳамкорлардир.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб, нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаб келади.

Мақолада икки мамлакат иқтисодиёти ўзаро манфаатли тарзда бир-бирини тўлдириб келишига алоҳида урғу берилади: Ўзбекистон газ, нефть, олтин, уран, мис, пахта каби табиий заҳираларга, шу билан бирга, юксак салоҳиятли мутахассисларга бой. Ўз навбатида, Корея юқори технологиялар ва молиявий манбаларга эга. Шу боис Ўзбекистоннинг табиий ресурсларини Кореянинг замонавий технологиялари, унинг бой тажрибаси ва инвестициялари ёрдамида биргаликда қазиб олиш мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни узоқ муддатли истиқболлар асосида ривожлантириш учун қулай шароит яратади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига, жумладан, автомобилсозлик, тўқимачилик, телекоммуникация, нефть ва газ тармоқларига киритилган Жанубий Корея инвестициялари ҳажми 2 миллиард доллардан ошди. Корея статистик маълумотларига кўра, 2008 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 1,385 миллиард долларни ташкил этди. Бу эса Жанубий Корея Ўзбекистоннинг Осиёдаги етакчи савдо ҳамкорига айланганини англатади.

Ўзаро муносабатларда маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Кореяликларнинг Самарқанд, Бухоро, Хива сингари мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган 2008 йилда юртимизга 12 минг нафардан зиёд кореялик сайёҳ ва ишбилармонлар ташриф буюрди. 2008 йил сентябрида "Korean Air" компанияси томонидан Тошкент-Сеул йўналиши бўйича тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг йўлга қўйилиши Ўзбекистонга келаётган жанубий кореяликлар сонининг ошишига ва қадимги Ипак йўли бўйлаб яна бир ҳаво кўпригининг пайдо бўлишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА,**
**Сеул**

## ТАДБИРКОРЛАР КЎМАКЧИСИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА КИЧИК БИЗНЕС, ФЕРМЕРЛИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН РИВОЖ ТОПАЁТГАНИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ОШИШИ, ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2006 ЙИЛ 17 АПРЕЛДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БУНДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАЁТИР.**

Соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибор натижасида ташкил этилган Ўзбекистон бизнес-инкубаторлар ва технопарклар ассоциацияси мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг янада ривожланишига, сервис соҳасининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Айни вақтда фаолият юритаётган ўттиздан зиёд бизнес-инкубаторнинг асосий вазифаси тадбиркорлик субъектларига бошланғич босқичда ривожланиши учун қулайлик яратиш – бизнес-инкубация жараёнини ташкил қилиш, ахборот-маслаҳат хизматини кўрсатиш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини амалга оширишда ёрдам беришдан иборат. Шунингдек, ишбилармонларга маркетинг ва консалтинг хизмати кўрсатиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда бизнес юритиш кўникмасини шакллантиришда яқиндан кўмак бериш ҳам бизнес-инкубаторлар фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

Ўзбекистон бизнес-инкубаторлар ва технопарклар ассоциациясидан маълум қилишларича, 2008 йили бизнес-инкубаторларда 473 тадбиркорлик субъекти бизнес-инкубация даврини ўтаган. Шунингдек, юзга яқин корхона, йигирмадан зиёд ишлаб чиқарувчи, қирққа яқин хизмат кўрсатишга ихтисослашган кичик корхона ва қарийб қирқта фермер хўжалигига эркин бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиши учун яқиндан кўмак берилди.

Олиб борилган тадбирлар ва яратилаётган имкониятлар самарасида тадбиркорлик субъектларининг юздан зиёд инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 32 ишлаб чиқариш цехи, 33 хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиб, 18 кичик корхонанинг фаолияти кенгайтирилди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қирқдан зиёд лойиҳа молиялаштирилди.

Бизнес-инкубаторлар томонидан ишбилармон ва тадбиркорлар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилаётгани ҳам ўз самараларини бермоқда. Бозор иқтисодиёти асослари, компьютер саводхонлиги, бухгалтерия ҳисоби, касб-ҳунарга ўргатиш, чет тиллар, ҳуқуқий сабоқлардан билим ва кўникмаларини ошираётганлар сони кўпаймоқда. 2008 йили ана шундай курсларда олти минг нафардан ортиқ киши тайёргарликдан ўтиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш ёки корхона ва ташкилотларга малакали ходим сифатида ишга кириш имкониятига эга бўлди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ТАДБИРКОР

*Бозор ва харидор*

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КЎПЛАБ КОРХОНАЛАРДА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БИРГАЛИКДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ТАЙЁРЛАБ, УЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШГА, АҲОЛИ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.**





Кекса корхоналардан бири бўлган «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акциядорлик жамиятида ҳам тадбиркорлик билан иш юритиш ўз самарасини бериб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, айниқса, товарлар турлари ортиб бормоқда. Бу албатта, истеъмолчилар талабини ўрганган ҳолда амалга оширилмоқда.

Корхона фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг асосий цехлари бугунги кунда замонавий технологик линиялар билан жиҳозланмоқда, эски дастгоҳларни модернизация қилишга ҳам эътибор қаратилмоқдаки, бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган сопол кошинларнинг сифати ортиб, турлари кўпайиб бормоқда. Айни кунларда корхонада Италия технологияси асосида турли ҳажмларда 35 хилдаги ранглар билан бадиий безак берилган, девор ва пол учун мўлжалланган сопол кошинлар тайёрланмоқда. Бунёдкорликда қўл келадиган ушбу қурилиш ашёсидан мамлакатимиз қурилиш майдонларида кенг фойдаланилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, импорт ўрнини босаётган бундай маҳсулотлар бирмунча арзонлиги билан ҳам ажралиб туради. Жорий йилда эса уларнинг таннархини яна арзонлаштиришга эришиш кўзда тутилмоқдаки, бу шубҳасиз истеъмолчиларни мамнун этади.

Корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехини айланар экансиз, бу ерда моҳир дизайнер-усталарнинг санъату маҳоратларига тан берасиз. Маҳсулотлар ранг-баранг бўлиб, хилма-хил чойнак, лаган, гултувак, кўза, эсдалик совғаларининг турлари ҳозирда 300 хилдан зиёдни ташкил этади. Улар буюртма асосида пойтахтимиздаги савдо дўконларига етказиб берилади ва шунингдек, корхонанинг «Кулол» фирма дўкони орқали харидорларга сотилади. Жорий йилда эса маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган бундай буюмларнинг турлари янада ортиши устида изланишлар олиб борилмоқда, бозор ва харидор талаб ҳамда таклифлари кенг ўрганилмоқда.

— Бизнинг асосий мақсадимиз 2010 йилнинг биринчи чорагида тўла қувват билан ишлашга эришишдир, — дейди корхона директори ўринбосари Алишер Ҳайтанов. — Бунинг учун босқичли лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Кўзда тутилган ишларни бажариб, цехларимизни Италиянинг энг юқори унумли технологик линиялар билан жиҳозлаяпмиз. Мавжуд дастгоҳлар модернизациясини таъминлаб, келгусида ички бозорни 80 фоиз ўз маҳсулотимиз билан таъминлаймиз. Шунинг баробарида Қозоғистон ва Қирғизистон сингари қўшни давлатларнинг ҳам буюртмаларини бажариб, маҳсулотларимизни мазкур мамлакатларга экспорт қиламиз.

Бозорни ўрганиш асосида изланаётган тадбиркорлар жорий йилда сопол кошинларни 50 хил рангда ишлаб чиқаришади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса 400 минг квадрат метрни ташкил этади. Шунингдек, халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш ҳажми ҳам ортиши кўзда тутилмоқда. Энг асосийси эса босқичма-босқич амалга ошириладиган лойиҳалар туфайли 1-босқичда 16 та, 2-босқичда эса 68 та ишчи ўринлари яратилади. Албатта, уларнинг бунёдкорлик ишлари кўлами ортишидаги, иқтисодиёт ривожидаги ҳиссаси ҳам салмоқли бўлади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхонанинг халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш цехида маҳсулотларнинг янги турлари яратилмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Ҳунари гўзаллар*

## ИҚТИДОРЛИ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРИ

**ҲАР БИР ҲУНАРНИНГ ЎЗИГА ЯРАША МАШАҚҚАТЛАРИ ҲАМДА ЎЗГАЧА ЗАВҚИ БЎЛАДИ. БУЛАРНИ АНА ШУ ҲУНАРГА МЕҲР ҚЎЙГАН, УНИНГ СИР-АСРОРЛАРИНИ ЭРИНМАЙ ЎРГАНГАН ИНСОНГИНА ҲИС ЭТАДИ.**

Халқ амалий ҳунармандчилигининг ўнлаб йўналишлари борки, улар орасида ёғоч ўймакорлиги ўзининг нозик жиҳатлари, фусункорлиги, такрорланмас нақшлари билан ажралиб туради. Энг асосийси эса мазкур ҳунар аждодлардан авлодларга ўтиб абадийлигини сақлаб келмоқда, замон билан ҳамнафаслик касб этмоқда. Ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос йўналишлари бор бўлиб, уни ҳар бир уста буюм ва маҳсулотларида акс эттиради.

Ёғоч ўймакори Анвар Алимбоев ҳам болалигидан шу ҳунарга меҳр қўйди. Бунинг асосий сабаби эса амакилари ишини кузатиш, уларга кўмаклашиш бўлади. Сўнгра устози Ортиқ Файзуллаевнинг ўгит ва маслаҳатларига амал қилди. Назарий билимларини бойитди.

— Ушбу ҳунар билан шуғулланаётганимга 15 йил бўлди, — дейди Анвар Алимбоев. — Албатта, ёғоч ўймакорлиги кўп меҳнат, синчковлик, сабр-тоқат талаб қиладиган ҳунарлардан саналади. Асосан оддий ускуналар асосида қўл меҳнатидан фойдаланилади. Ўтган йиллар мобайнида устозларимдан жуда кўплаб нарсаларни ўргандим. Эскиз тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш, уни маҳсулот тайёрлашда қандай қўллаш кераклигини англадим. Бугунги кунда ўзим тайёрлаган маҳсулотларим билан харидорларни мамнун этаётганимдан, ота-боболаримиз анъаналарини давом эттиришга ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман.

Иқтидорли ёғоч ўймакори ўзи тайёрлаган такрорланмас буюмлари билан кўрик-танлов ва ярмаркаларда фаол иштирок этиб, муваффақиятлар қозонмоқда. Ўтган йилда Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичида «Энг яхши ҳунарманд» номига сазовор бўлди. У мазкур кўрик-танловда янги услубда, яъни ёғочга керамика билан уйғунлаштириб ишланган маҳсулотларни намойиш этди. Шунингдек, 2007 йилда Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган кўргазмада маҳсулотлари алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Анвар Алимбоев ҳозирда ёғоч ўймакорлигининг Фарғона усулида ишламоқда. У кўплаб буюртмаларни уддалашда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Ёғоч ўймакорининг асл мақсади миллий ҳунармандчилигимизнинг такрорланмас қирраларини дунёга ҳам машҳур этишдир. Шу боис ҳам халқаро тадбирларда ўз иқтидорини кўпроқ намоён этишга интилмоқда. Шунингдек, у «Уста-шогирд» мактабини ривожлантириб, ўзи сингари иқтидорли, ҳунарга астойдил меҳр қўйган ёшларга ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргатишга киришган. Бугунги кунда Анвар Алимбоев шогирдлари билан пойтахтимизнинг 2200 йиллигига атаб янги маҳсулот турларини яратиш устида изланмоқда.

**Нозима АКРОМОВА**



**СУРАТДА: иқтидор эгаси Анвар Алимбоев**

*Ҳуқуқий ҳимоя*

## КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

**ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАММА ВАҚТ ЖАМИЯТ РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТНИ ЯРАТИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛГАН. МАЗКУР ТАМОЙИЛГА АМАЛ ҚИЛГАН ҲОЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЭРКИН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ БОРАСИДА ИСЛОҲОТЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишига қаратилган барча ҳуқуқий асослар яратилиб, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар очилди.

Ана шу имкониятларни ҳаётга тўла татбиқ этишда мутасадди идораларга катта масъулиятлар юклатилган. Ўтган 2008 йилда ҳам тадбиркорларимизнинг эркин фаолият юритишлари учун бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларга қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши юзасидан зарурий чоралар кўрилди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, республика адлия органларига ўтган 2008 йил давомида тадбиркорлик субъектларидан жами 1623 та ёзма мурожаатлар келиб тушган. Улардан 1378 таси кўриб чиқилиб, тадбиркорлар манфаати йўлида қонуний халқ этилди, 189 таси кўриб чиқиш жараёнида. Мазкур рақамларнинг ўзиёқ тадбиркорларимиз томонидан адлия идораларига бўлган ишончнинг ортаётганлигидан ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётганлигидан далолат беради.

Таъкидланганидек, адлия органларининг асосий эътибори, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибида тўлиқ тиклашга, қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ ундириб берилишини таъминлашга, шунингдек, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда. Инчунун, ҳисобот даврида адлия органлари томонидан 1794 та тақдимнома, 899 та огоҳнома ва 214 та кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 2575 та мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 171 таси эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Кўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 660 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди. Юқоридаги рақамларнинг ўзи айрим мутасаддилар томонидан қонунлар онгли равишда бузилаётганлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз миқёсида бу борада хатоликларга йўл қўйган 260 та мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди, 10 нафар мансабдор шахсларга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, ҳисобот даврида адлия органларининг ташаббуси билан салкам 7 миллиард сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса тадбиркорларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги кун сайин ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида ҳисобот даврида адлия идораларидаги мавжуд «Ишонч телефон»ларига жами 1205 та мурожаатлар келиб тушди. Ана шу мурожаатларнинг салкам 40 фоизи бўйича эса хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Шунингдек, биржа савдолари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, шартномалар тузиш, шартномавий мажбуриятларни бажармаслик, ер ажратилишида жойларда юзага келган ноқонуний ҳолатлар бўйича адлия идоралари хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий кўмак бериб уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Бу қонуний ҳаракатлар асосида тадбиркорнинг ўз фаолиятини қайта тиклаши ва албатта, иқтисодиётимиз ривожига самарали ҳисса қўшишига эришилмоқда.

Адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қаратилган. Хусусан, тадбиркорларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини янада яхши англашлари учун амалий тадбирларга катта эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Оммавий-ахборот воситаларидаги чиқишлар ва тизим муассислигида чоп этиладиган «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасида «Адлия ёрдам берди» рукни остида тадбиркорларни қизиқтирган саволларга мунтазам равишда жавоб бериш йўлга қўйилди.

Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган фуқаролар ҳамда рўйхатдан ўтказувчи идоралар ходимларига мўлжалланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид қонун ҳужжатлари» тўплами, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсатномалар беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами» ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Текширишлар А дан Я гача» номли рисола чоп этилди.

Шунингдек, мамлакатимиздаги айрим назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик Ахборот хизмати томонидан видеоролик тайёрланиб марказий ва маҳаллий телевидениелар орқали эфирга узатилиши йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига яратилаётган қулайликлардир, дейишга ҳақлимиз.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ҳам тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш адлия идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларимиздандир.

**Тўрабек ТЎРАЕВ,**
**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ТЎЛАНАДИ?

**Агарда мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олинса, даромадлар ва харажатлар қандай тартиб бўйича тўланади?**

**Расулжон Омонов,**
**Миробод тумани**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 230-моддасида белгиланганидек, мазкур кодекснинг 228-моддасига мувофиқ мулкдор мол-мулкини олаётганида қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади:

ерни ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахс инсофсиз эгалловчидан ушбу шахс мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб бериш ёки тўлашни;

инсофли эгалловчидан эса у ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб қилиб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган барча даромадларни.

Шунингдек, ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромади мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларни тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақлидир.

## ХУСУСИЙ АЖРИМ

**Қандай ҳолларда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақли ҳисобланади?**

**Мактуба Одилова,**
**Яккасарой тумани**

Низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа орган, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилгани аниқланган тақдирда хўжалик судининг хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эканлиги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 152-моддасида белгилаб берилган.

Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органларига ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади. Улар эса бир ойлик муддатда хўжалик судига кўрилган чоралар тўғрисида хабар қилишлари шарт ҳисобланади. Хусусий ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Агар хўжалик низосини кўриб чиқиш чоғида суд мансабдор шахс хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, жиноят иши қўзғатилади ва етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб қўяди.

## ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИ РАССОМЛАРИНИНГ ҲАМДЎСТЛИГИ

**МОСКВА ШАҲРИДА РАССОМЛАР УЮШМАЛАРИ ХАЛҚАРО КОНФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

МДҲ мамлакатлари тасвирий санъат усталарининг миллий ижодий уюшмаларини бирлаштирган Рассомлар уюшмалари Халқаро конфедерацияси кенгаши (РУХК) Ҳамдўстлик мамлакатларида ягона маданий маконни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб, замонавий санъат ривожидаги турли йўналишларни белгилашга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, РУХК ҳар йили 30 га яқин бадиий кўргазмаларни молиялаштиради, шунингдек, миллий ижодий уюшмаларнинг лойиҳаларига ҳам молиявий жиҳатдан қисман кўмаклашади.

Конфедерация президенти, Россия халқ рассоми Валентин Сидоров раислигида ўтган йиғилиш иштирокчиларининг эътироф этишларича, ўтган 2008 йил ҳам маданий тадбирларга ниҳоятда бой бўлди. Шу ўринда, Ўзбекистонга эътибор қаратилиб, Москвадаги кўргазмалар уйларида Рустам Зиёдуллаев, Эшмамат Ҳайитов, Алишер ва Азамат Отабоевлар, Камол Бобоев, Ғайрат Иброҳимов каби ўзбек рассомларининг асарлари намойиш этилгани алоҳида қайд этилди. Бундан ташқари, ўтган йилда Қрим ўлкасидаги Рассомлар Марказий уйида ҳамда Россия рассомлар академияси Санъат галереясида Ўзбекистон рассомлари Медат Кагаров ва Леким Ибрагимовнинг шахсий кўргазмалари ташкил этилгани айтиб ўтилди.

Жорий йилда Конфедерация томонидан маданий-гуманитар соҳада бир қатор янги қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

— 20 март куни Қримдаги рассомлар Марказий уйида анъанавий XII Москва халқаро бадиий салони очилади, — деди РУХК Кенгаши йиғилишида иштирок этган Ўзбекистон Бадиий академиясининг масъул котиби Наргиза Толипова. – Мазкур салонда ўзбек рассомларининг ижодий ишларидан намуналар катта экспозиция билан намойиш этилади. Бундан ташқари, тошкентлик таниқли сураткаш Виктор Аннинг шахсий кўргазмаси бадиий салоннинг алоҳида лойиҳаси сифатида тақдим этилади.

**«Жаҳон» АА,**
**Москва**

## ҲАМКОРЛИККА ОИД СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

**ПОЙТАХТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кенг жамоатчиликка етказилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Бу эса оммавий ахборот воситалари ходимларидан катта малака ва тажриба талаб қилади.

Глобал иқлим ўзгаришлари, биохилма-хилликнинг бой берилиши, сув танқислиги, атроф-муҳитга саноат ва маиший чиқиндиларнинг салбий таъсири бугуннинг энг долзарб муаммоларига айланмоқда. Уларни бартараф этишнинг самарали йўлларини топиш нафақат бир мамлакатнинг, балки бутун дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган масала ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бу борада бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганки, бу экологик муаммолар ечимида дастуриламал бўлаётир.

Оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтган семинар-тренингда ана шулар ҳақида батафсил маълумот берилди. Соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда оммавий ахборот воситаларининг муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирнинг иккинчи қисми манзарали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий ишлаб чиқариш марказида ўтказилди. Марказ мутахассислари томонидан бу ерда парвариш қилинаётган манзарали ва кўп йиллик дарахтлар, уларнинг афзалликлари ҳамда Ўзбекистон иқлим шароитига мос янги дарахт ва ўсимликларни етиштириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, марказ томонидан республикамизда етиштирилаётган ноёб кўчатларни тоғли, тоғолди, дарё бўйларида, чўл ҳудудларида кўпайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар қайд этилди.

Айтиш керакки, мазкур семинар-тренинг сўнгги йилларда ўрмон хўжалиги соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг моҳиятини жамоатчиликка етказиш баробарида, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш каби саъй-ҳаракатларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга ҳам йўналтирилган.

## ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

**ТОШКЕНТДА «ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Анжуманда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Маълумотларга кўра, бу даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 2 минг 110 та ариза ва шикоятлар кўриб чиқилган. Соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга 675 та тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилиб, давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасаларнинг айрим қарорларининг ижроси бекор қилинган. 503 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

— Мақсад жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда келгусидаги режалар хусусида келишиб олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда ОАВ ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, — дейди шаҳар адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича масъул ходими Аброр Бердиев. — Чунки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВ муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бошқарма томонидан мана шу устувор мақсад йўлида жойларда 3573 га яқин турли хил ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида 10 миллиард сўмликдан ортиқ даъво аризалари қаноатлантирилган. Бундан ташқари, қонун бузилишларига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг 59 нафарини маъмурий жавобгарликка тортиш ва 25 нафарини вазифасидан озод этиш юзасидан тегишли идораларга таклифлар киритилиб, маъмурий жазолар кўрилган.

Тадбирда 2008 йилда тарғибот йўналишида фаол иштирок этган ёш тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Ҳуқуқий мавзуда ижод қиладиган журналистларни янада ихтисослаштириш мақсадида Юристлар малакасини ошириш марказида махсус ўқув курслари ташкил этиш, бошқарма томонидан ҳар чоракда журналистлар учун матбуот анжумани ўтказишга келишиб олинди.

**«Туркистон-пресс»**

*Меҳр-мурувват — халқимизга хос одат*

# ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИ БОШЛАНДИ

**МЕҲР-ШАФҚАТ ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ БЎЛИБ, БУНДА АҲОЛИНИНГ КАМ ДАРОМАДЛИ ҚИСМИГА, ЯККА-ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, НОГИРОНЛАРНИ ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

Шунингдек аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёр туришга ўқитиб ўргатиш, ёшлар билан ишлаш, инсонпарварлик ғояларини улар ўртасида тарғиб қилиш, ёшларни кўнгиллиларни жамият фаолиятига жалб қилиш жамиятнинг Устав фаолиятига киради.

2008 йилда Кенгашнинг янги йўналишларидан бири — беғараз донорлар сафини кенгайтириш ва ихтиёрий қон беришнинг соғлиққа безарар эканлигини тарғибот этишдир. Бу борада шаҳримиздаги ўқув юртлари билан тузилган қўшма шартномалар асосида жамиятнинг бошланғич ташкилотларини тузиб, талаба-ёшларни инсонпарварлик фаолиятига жалб этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари уларга фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўргатилмоқда.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши янги дастур асосида яна бир йўналиш бўйича иш олиб бормоқда. У ҳам бўлса сил касаллигининг асоратли шаклларига қарши курашиш борасидаги дастур лойиҳасидир. Бу лойиҳага мувофиқ Республика ДОТС маркази Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кенгаши, халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой федерацияси билан ҳамкорликда 56 нафар бемор ҳисобга олиниб, уларнинг узлуксиз равишда даволанишлари ташкил этилган. Бу беморларга шаҳар кенгаши томонидан ҳар ойда санитария-гигиена тўпламлари ажратилиб, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Жамиятнинг ўтган йилги фаолиятига назар ташлар эканмиз амалга оширилаётган ишлар қай даражада бажарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўламиз.

«Меҳр-шафқат» хизмати, бу — жамиятнинг асосий кенг қамровли йўналиши бўлиб, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган якка-ёлғиз ногирон қариялар, кам таъминланган кўп болали оилалар доимий равишда жамият тасарруфига олиниб, уларга тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Шаҳар ҳудудида яшаётган якка-ёлғиз қарияларга, ногиронларга, кўп болали кам таъминланган оилаларга жамият қошида ташкил қилинган 1 та тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази ва 4 та хоналар ишини яхшилаш мақсадида 1 миллион 500 минг сўм маблағ ажратилиб, қон босимини ўлчаш учун танометр, фонендоскоп, дори-дармон, боғловчи ашёлар ҳамда бир маротаба ишлатиладиган шприцлар харид қилинди.

2008 йилда меҳр-шафқат ҳамширалари томонидан ёлғиз қарияларнинг уйларига 21945 маротаба борилиб, уларга 23211 маротаба тиббий ёрдам, 14329 маротаба ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 2827 маротаба дори-дармонлар билан таъминландилар. 28 нафар қария шифохоналарда соғломлаштирилди. Йил давомида 1790 та якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳамда бахтсиз ҳодиса, ёнғиндан зарар кўрган 12 та оилага жамият ҳисобидан 11 миллион 850 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Кенгашнинг ёшлар билан ишлаш йўналиши бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. «Ёшлар йили» ёшларни мурувватли ишларни амалга оширишга илҳомлантирди. Тошкент шаҳридаги коллежлар ва академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида «Шахс ва жамият» фани юзасидан кўрик-танлов ўтказилди. Унда 60 дан ортиқ ўқувчилар иштирок этиб ўз билимларини синаб кўрдилар.

Ҳозирги кунда 12 та олий ўқув юртларида, 40 фоиз коллеж ва академик лицейларда Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, талаба-ёшлар ўз ихтиёрлари билан жамият аъзолигига қабул қилинмоқдалар.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш, беғараз донорликни ривожлантириш, ўқув муассасаларида жамият бошланғич ташкилотларини тузиш, кўнгиллиларни жамият сафига қабул қилиш, ишларини ривожлантириш мақсадида шартнома имзоланди. Шартномага кўра икки томонлама алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўқувчи, талабалар орасида жамиятнинг барча йўналишлари бўйича семинар-машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан консультатив ва услубий ёрдам кўрсатиш бурчакларини ташкил қилиш ва уларни методик қўлланмалар билан мунтазам равишда тўлдириб туриш, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқини ёшлар ўртасида тарғиб қилишда ҳамкорликни кучайтириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига ҳамда фавқулодда вазиятларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, кўнгилли ёшлар ташкилотлари тизимини ривожлантириш, жамият кўнгиллиларини рағбатлантириш, қўшма тадбирларни ташкил қилиш ва уни ўтказиш масалалари кўзда тутилган.

Инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва қидирув хизмати йўналиши бўйича ҳам шаҳар кенгаши томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Йил бошида тузилган иш режасига биноан 38 та семинар ташкил қилинган. Йил давомида яқин қариндош-уруғларини қидираётган инсонлардан 19 та мактуб келган бўлиб, бу борада ИИББга қарашли манзиллар бюроси, маҳалла фуқаролари кенгашлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, уларнинг барчасига жавоблар ўз вақтида йўлланган.

Фавқулодда вазиятларга тайёрланиш ва унга муносабат билдириш ҳам Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг вазифаларидан биридир. Бу йўналишда белгиланган вазифаларни амалга оширишда шаҳар Кенгаши фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда чора ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шу асосида иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кенгаши, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой федерацияси томонидан режалаштирилган махсус дастур асосида 8 та семинар ҳамда 11 та махсус тактик машғулотлар режалаштирилган бўлиб, улар яхши натижалар билан ўтказилди. Улар асосан маҳаллаларда, мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилди. Семинарларда маҳаллалар фаоллари, мактаб директорлари, ташкилий ишлар бўйича иш юритувчи ходимлар, мактабгача таълим муассасалари мудиралари, тарбиячилари фаол иштирок этиб, фавқулодда вазиятлар рўй берган вақтда инсонларга қандай ёрдам кўрсатиш, ишни нимадан бошлаш, ваҳимага тушмаслик, биринчи ёрдам бериш, жабрланганларни хавфсиз жойга кўчириш бўйича берилган вазифаларни тўғри бажаришди ва уйга берилган топшириқларни ўз вақтида адо этишди.

Ҳа, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан инсонпарварлик йўлида амалга оширилаётган ишлар кўп қирралидир. Шу ўринда бир савол туғилади. Жамият юқорида қайд этилган вазифаларни қайси маблағ эвазига амалга оширади?

Маълумки, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили пойтахт ҳудудида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилади.

Бу йил ҳам Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 26 январдаги фармойишига биноан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлигини ўтказиш тадбирлари 9 февралдан бошланди. Хайрия акциясини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзолари белгиланиб тадбирларни ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Фурсатдан фойдаланиб шуни таъкидлаб ўтиш лозимки 2008 йилги хайрия акциясини ўтказишда доимий ҳомийлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси бошқармаси жамоасига, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳалари ходимларига, ўрта махсус касб-ҳунар муассасаларида фаолият юритаётган барча педагогларга, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда Мудофаа бошқармасига шахсий таркиб ўртасида тарғибот ишларини кенг кўламда олиб бориб, жамият сафига аъзоликка қабул қилишдаги фаол хизматларини инобатга олиб ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бу йилги хайрия ўн кунлигини ўтказиш акциясида ҳам меҳр-мурувватли корхона, ташкилотлар раҳбарлари фаол иштирок этиб, ўз маблағларини Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бош амалиёт бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкинлигини билдирамиз.

**20212000900126451001, МФО 00407, ИНН 200896573, ХХТУТ 98600. Маълумот учун телефонлар 248-79-25, 248-24-94.**

*Фармон ва ижро*

# ТЕКШИРУВЛАР КАМАЙИБ, САМАРАСИ ОШМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИ»ДАГИ ФАРМОНИНИНГ БАЖАРИЛИШИГА, БЕКТЕМИР ТУМАНИДА ҲАМ МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Жумладан, Бектемир туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан ҳам ушбу Фармон чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқилди. Мутахассислар томонидан олиб бориладиган текширувлар келгусидаги йиллар учун танлов мезони асосида режалаштирилди ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашига тақдим этилди. Янги иш фаолияти юритиш учун расмий рухсатнома олишга келаётган хўжалик субъектларига Фармоннинг моҳияти, ноқонуний аралашувларни қатъий чеклаш мақсадида уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилмоқда. Яъни меъёрий ҳужжатларга амал қилиш, ҳукумат қарорларини ўз вақтида ва доимий бажариш натижасида текширувлар янада қисқартирилади, бу тадбиркорларнинг фаолиятига аралашувнинг кескин камайишига олиб келади.

Ушбу Фармоннинг самараси шундан ҳам кўринадики, Бектемир туман ДСЭНМ томонидан режага асосан 2007 йил давомида 54 та текширув ўтказилган бўлса, 2008 йил давомида уларнинг сони 19 тага тушди. Текширувлар самарадорлиги 100 фоиз бўлди. Бунда назорат қилувчи орган ва тадбиркорларнинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим омил бўлмоқда.

**Ҳ.МУҲАМЕДОВ,**
**Бектемир туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачи**

# НАВОИЙ ИЖОДИ — БЕТАКРОР МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

**РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА «АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ — МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ХАЗИНАМИЗ» МАВЗУСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирда буюк шоир маънавий хазинаси, унинг туркий адабиётдаги беқиёс мавқеи ва бугунги кун ёшлари тарбиясида тутган ўрни борасида сўз борди.

Алишер Навоий ижоди ўзбек халқининг маънавий хазинаси бўлиш баробарида, ўзининг чуқур маънодорлиги, бадиий тасвирга ниҳоятда бойлиги билан дунё адабиётидан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбек адабий тилининг асосчиси ўз замондошлари бўлган форсийзабон шоирларга ўзбек тилида ҳам гўзал асарлар яратиш мумкинлигини исботлаган. Унинг туркий лисондаги байтига забардаст шоир «Малик-ул-калом» Лутфий ўзининг бутун бир меросини беришга рози бўлганлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир.

— Навоий «Хамса» си туркий адабиёт гултожи бўлиб, унинг форсий тилдан каттароқ бўлган имкониятларини кўрсатиб берган ва ўзининг умумбашарий ғояларга бойлиги, маънан юксаклиги билан барчани ҳайратга солган ва ҳозир ҳам ҳайратлантиради, — дейди маънавият фахрийси Ноила Боязитова. — Шу боис ҳам у асрлар давомида қадрланиб келинади.

Буюк бобокалонимиз ҳаёти ва ижоди, бой маънавий меросига бағишланган тадбирга рус, озарбойжон, тожик, турк, туркман ва уйғур маданий марказлари бадиий жамоаларининг чиқишлари ўзгача кайфият бахш этди.

**Ботир МУСУРМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# АВЛОДЛАР ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

**БУЮК МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ НАФАҚАТ ЎЗБЕК ХАЛҚИ, БАЛКИ БУТУН ИНСОНИЯТ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҲИССА ҚЎШГАН АЛЛОМА ҲИСОБЛАНАДИ.**

Улуғ шоир олға сурган гуманистик ғоялар йиллар, асрлар ўтса ҳамки, ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки бугунги даврга келиб алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шу боис Ҳазрат Навоий таваллуд топган кунни ҳар йили байрам қилиш ва унга эҳтиром кўрсатиш анъанага айланган. Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллиги бу йил ҳам мамлакатимизнинг барча гўшаларида қизғин нишонланмоқда.. Жумладан, куни кеча Республика Маънавият тарғибот маркази, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллуд кунига бағишлаб Марказий офицерлар саройида «Алишер Навоий буюк мутафаккир ва давлат арбоби» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда офицер ва аскарлар ҳамда лицей ўқувчилари иштирок этдилар.

Анжуманни Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо кириш сўзи билан очиб, Навоийнинг серқирра ижоди, бой адабий мероси ҳақида гапирди. Шунингдек, тадбирда навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов, адабиётшунос олимлар Ҳамиджон Ҳомидий, Суйима Ғаниева сўзга чиқиб, ёшларга Алишер Навоий асарларидаги ватанпарварлик, комил инсон ғоялари, улуғ адиб қолдирган бой мерос ҳақида сўзлаб бердилар. Шу билан бирга Навоийни ўқиш, ўрганиш зарурлигини, шоирнинг исталган мисрасидан кўплаб маънолар топиш мумкинлигини қайд этишди. Тадбирда Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ўқувчилари «Алишер Навоий» драмасидан саҳна кўринишларини намойиш этишди, буюк аллома ғазалларидан намуналар ёд олишди. Айниқса ўқувчилар ижросидаги мумтоз куй-қўшиқлар, жозибали миллий рақслар тадбирга янада файз киритиб, иштирокчилар қалбига хушнудлик бахш этди.

**(Ўз мухбиримиз)**



# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҚИЁМАТЛИ ДЎСТЛАР...

Анчадан бери кўришмаган дўстлар учрашиб қолишди. Қучоқлашиб кўришишди. Кейин бироз ўтириб, дилдан суҳбат қуриш учун чоғроққина ошхонага киришди. Бир зумда стол устидан турли таомлар, газаклар ўрин олди. Ичкиликбозлик бошланди. Ширакайф дўстлар, бир-бирларига чунонам меҳр-оқибатли бўлиб кетишдики, гўё ўрталаридан ип ўтмасди.

— Кеча машина бозорига борган эдим, — сўз бошлади Салимжон. — Бирон тузукроқ машина тополмай қайтиб келдим.

— Нега, бозор тўла машинаку, хоҳлаган маркангдан бор, — эътироз билдирди Каримжон.

— Бор, ҳар хили бор. Лекин мен «Тико»ни мойлигидан олмоқчиман-да. Роса айландим. Уни-буни кўрдим. Ҳаммаси минилган машиналар.

— «Тико» бўлмаса «Матиз» олиб қўяқолмайсанми?

— Кейинги дам олиш куни яна бозорга тушмоқчиман. Агар истагимдаги машинани топа олмасам, «Матиз»ни янгисидан оламан. Хўш, ўзингдан гапир. Машина олдингми?

— Бизга йўл бўлсин. Оиламиз катта. Бир ўзимнинг топганим нимага ҳам етарди дейсан. Бунинг устига онам анчадан бери шифохонада. Аёлимнинг ҳам мазаси йўқ. Ҳали у дори, ҳали бу дори дейди. Шу десанг амал-тақал қилиб турибмиз оғайни.

— Вей, бошингда шунча ташвиш бор экан, нега менга бир оғиз айтмайсан, — гинахонликка ўтди Салимжон. — Ахир мен сенга бегона эмасманку. Ҳа ошна-оғайни шунақа оғир кунларда бир-бирига қайишмаса, бу қанақа дўстлик бўлди.

— Энди ҳозирча амаллаб турибман, жуда зарур бўлса олдингга борарман.

— Бор, оғайни бор. Сен учун боримни аямайман. Биласан топиш-тутишим яхши.

Улар икки шиша ароқни бўшатишиб, етилиб ўринларидан туришди. Бир-бирлари билан қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашишди.

Каримжон аллавақт уйига қайтиб, нохуш хабар эшитди. Онаси касалхонада оламдан ўтибди. Эртасига эрталаб у қарз кўтариш учун қиёматли дўсти Салимжонникига чопди. Дўсти уни нохушгина кутиб олди. Каримжон бевақт ташрифининг сабабини айтганда Салимжоннинг пешонаси тиришиб, анчагача сукут сақлаб қолди. Кейин дўстига таъзия билдирган бўлди. Гап қарз масаласига келганда, ҳозир ёнида бир чақа ҳам пули йўқлигини айтди.

— Ахир кеча ўзинг айтганингга ... — Каримжоннинг гапи оғзида қолди.

— Тўғри, лекин хоҳ ишон, хоҳ ишонма, бор пулни кеча акам келиб олиб кетибди. Ёлғиз ўғлининг иши судга тушиб қолган экан. Шунақа оғайни, сенинг олдингда уятли бўлдим.

Каримжон ҳаммасига тушунди. Тушунди-ю, хайр-маъзурни насия қилиб орқасига югурди. Кечагина ораларидан қил ўтмай турган қиёматли дўстлар ўртасига узоқ айрилиқ тушди.

## ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА

Ҳалоллик мартабани безайди. Ҳалол одам бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди. Ҳалоллик ҳақида гап кетганда қуйидаги ривоятни келтириш ўринли бўлса керак деб ўйлаймиз. Халифа Ҳорун ар Рашид янги бир сарой бино қилмоқчи бўлди. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиш керак бўлади. Ҳорун ар Рашиднинг буйруғи билан шундай тўғри устунни қидириб-қидириб ниҳоят, Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топдилар. Уни Бағдодга келтирдилар. Ҳорун ар Рашид ўзининг амалдорлари билан устунни кўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида донишманд Баҳлул доно ҳам бор эди. У майдонда турганлар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулоғини тутиб, унга пичирлаб бир сўз айтди.

Халифа унинг қилиғидан таажжубланиб, бунинг сабабини сўради. Баҳлул доно шундай деди..

— Мен устундан: .. «Сен бир ёғочсан, нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Ҳатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб кўргани келди», деган эдим, устун шундай жавоб берди:

— Мен эгри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим. Тўғрилигим шундай иззат-ҳурматга сабаб бўлди. Агар эгри бўлганимда мени ўтин қилиб ёрардилар.

Тўғрилик, ростгўйлик сира одамни уятга қолдирмайди. Тўғри ва ҳалол киши ҳамиша ўзгаларнинг ишончини қозонади.

# Сўранг, жавоб берамиз

**Савол: — Мен аввалги умр йўлдошим билан ажрашганман. Икки боламга алимент тўлашим лозимлигини ҳам биламан. Бироқ кейинги пайтларда кўпинча ишсиз қолишимга тўғри келяпти. Шу боис ота-онанинг вояга етмаган болаларига алимент тўлаш тартиби, алимент миқдори хусусида тушунча беришингизни сўрайман.**

**Ш.Муҳитдинов,**
**Сергели тумани**

**Жавоб:** — Тўғридан тўғри ушбу саволингизга жавоб беришдан олдин ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлигини эслатиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз.

Оила кодексининг 96-моддаси талабларига таяниб айтиш мумкинки, вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар. Бундай келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Агар вояга етмаган болаларга таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволи ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Таъминот бериш юзасидан ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган бўлса, низо суд тартибида ҳал қилинади.

Алимент миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромаднинг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

* * *

**Савол: — Банкдан кредитга пул олиб, ишлаб чиқариш корхонасини ижарага олмоқчиман. Бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўлади? Умуман, ушбу масала билан боғлиқ барча йўл-йўриқларни билишни истардим.**

**Усмон Солиев,**
**Собир Раҳимов тумани**

**Жавоб:** — Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун умумий мажмуа сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбурияти юкланади.

Ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт, улар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан биронтаси бажарилмаса, кредитор тегишли қарзни ижарачига ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни талаб қилган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейингина корхона ижарага топширилиши мумкин.

Корхона мулкий мажмуа сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага олувчи топширилган корхона таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича биргаликда жавобгар бўладилар.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас. Корхонани ижарага бериш шартномаси Фуқаролик кодексининг 580-моддасида белгилаб қўйилгандек, тарафлар имзоланган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Корхонани ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Ижарага олинган корхона ижарага олувчига топшириш далолатномаси бўйича топширилади.

Корхонани ижарага олувчи ижара шартномаси амал қилиб турган бутун вақт мобайнида корхонани тегишли техник ҳолатда сақлаб туриши, шу жумладан уни жорий таъмирлаши ва шартномада назарда тутилган ҳолларда тубдан таъмирлаши шарт. Корхонани ишлатиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, ижарага олинган мол-мулкни суғурталаш бўйича тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ижарага олувчи зиммасига юклатилади.

* * *

**Савол: — Масалан, айтайлик. Ўгай ўғил ёки қизнинг ота-онаси йўқ, уларга таъминот бериш кимларнинг зиммасига тушади?**

**Абдусамат ХОЛИҚОВ,**
**Юнусобод тумани**

**Жавоб:** — Ўгай ота ва онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил ва қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёки ўз ота-онасидан етарли маблағ олмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ота-она зиммасига юклатилиши лозим. Вояга етган, бироқ ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ўгай ўғил-қизларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ олмаса, ўгай ота-онанинг зиммасига уларга нисбатан ҳам шундай мажбурият юклатилиши мумкин.

**Икром ИСМОИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Азизим, уйқуни тарк айласанг гар,
Етишгай сенга шодликдин хабар.

Бугун гар дарду ҳасратга тўлурмиз,
Муқаррар улки, охир шод бўлурмиз.

Тикан борида райҳон ҳам етишгай,
Агар дард эрса, дармон ҳам етишгай.

* * *

Қадам қуйгайми кимса йўлгаким, то
Агар жазм этмаса бир ёри дилхоҳ?

* * *

Кишиким кўз солиб, мўлжални кўрмиш,
Камондин ўқ узиб, мўлжалга урмиш.

* * *

Йўлингда не тўсиқ бор, бартараф қил.

* * *

Бу дунёни не деб ўйлайсен, эй дўст,
Жаҳоннинг мағзи бор, ул мағз уза пўст.

* * *

Ўзингни билмасанг гар, не қилай мен?
Дилингдан шубҳани қандоқ сўрай мен?

* * *

Агар бир лаҳза бир одам йиқилгай,
Бир эрмас, икки олам ҳам йиқилгай.

* * *

Магар манглай кўзинг сенга керакдур,
Вале кўнгил кўзингдин кетмасин нур.

* * *

Диним дерсан, дилинг дунё билан маст,
Дину дунё баробар бермагай даст.

Бўлибсен икки юзликка гирифтор,
Ки сенда тоғдайин кибру ҳаво бор.

Агарчи бир юзинг дунёга ўтру,
Бири дин, олами уқбога ўтру.

* * *

Аё афтода, сенда бир кўнгил бор,
Этармен юзта иш деб юрма зинҳор.

* * *

Демиш зарбулмасал бир пири ҳинду:
У бўлса сенда, билким, бўлмагай бу...

* * *

Ҳавою ҳирс кўнгилни йўлдан урмиш.

* * *

Ҳама тирноқ била ёзгай ва лекин
Уни манзур этиш элга не мумкин?

* * *

Сўқир кўздин кўришни этма орзу,
Не эрмиш тун аро хуффошга ёғду?

* * *

Бу гулшан гуллари — юлдуз ситора,
Насиба бизга шу — этмоқ назора.

* * *

Азим дарё бўлурму бизга ожиз?
Оқарму қатрайи шабнамга денгиз?

* * *

Фалакдин тош отар бўлсанг агарда,
Етар ул беш асрдин сўнгра ерга.

* * *

Агар мақсуд кишига ҳамдаст эрди,
У айнаб, тўғри йўлга юрмас эрди.

* * *

Сабрни сен ўзингга айла тортиқ,
Сенга сармоя йўқдир андин ортиқ.

* * *

Кўришни истабон охирни, сўнгни,
Кўролмассен ва лекин орқа-ўнгни.

* * *

Чаёндин яхшилик кутгайми одам?
Чаён тишлар чаённи, ямлагай ҳам.

* * *

Юрарсен, елкада бахтинг қароси,
Маконинг ер билан осмон ароси.

* * *

Киши билмас, надир сирри илоҳий,
Агарчи шу кўнгиллар — жилвагоҳи.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

*Кўргазмалар*

# БЕТАКРОР ЧИЗГИЛАР ИЖОДКОРИ





**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ТАНИҚЛИ РАССОМ, ҲАЙКАЛТАРОШ АЗАМАТ ҲАТАМОВНИНГ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. КЎРГАЗМАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗГА ЧИҚҚАН ТАНИҚЛИ РАССОМЛАР, САНЪАТШУНОСЛАР ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ АЗАМАТ ҲАТАМОВНИНГ АСАРЛАРИ ҲАҚИДА ИЛИҚ ФИКРЛАРНИ БИЛДИРДИЛАР ВА КЕЛГУСИ ИЖОДИГА ЯНАДА ЮКСАК ПАРВОЗЛАР ТИЛАДИЛАР. МАРОСИМДА АЗАМАТ ҲАТАМОВНИНГ СЕРҚИРРА ВА САМАРАЛИ ИЖОДИГА МУНОСИБ БАҲО БЕРИЛИБ, У ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИГА САЗОВОР БЎЛДИ.**

Таниқли ўзбек ҳайкалтароши Азамат Ҳатамовнинг ҳаётига бир назар ташлайдиган бўлсак, унинг ижод йўли ўзгачадир. Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари қадимги Сурхон воҳасининг Шеробод шаҳрида ўтган. Физик бўлиш орзуси уни Тошкентга Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига етаклаган. Ўқишни тамомлагач, Шеробод мактабларининг бирида физикадан дарс берди. Бирданига юзага келган санъатга бўлган иштиёқ Азамат Ҳатамовни Ленинградга ҳозирги (Санкт-Петербург)га ўқишга боришга ундади. У кўпчиликни ҳайратга солиб, ҳеч қандай тайёргарликсиз И.Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтининг ҳайкалтарошлик бўлимига ўқишга кирди. Ёш устанинг қобилияти шу қадар кучли эдики, устози В.Пенчук уни энг яхши шогирдларидан бири деб билган. Ўқиш йилларида эга бўлган профессионал маҳорат мактаби рассом истеъдодини очишга ва ўткир қобилиятини ўстиришга кўмак берди.

Институтни тамомлаган Азамат Ҳатамов Ўзбекистонга қайтгач ижодий ишга шўнғиб кетди. 1982 йилдан бошлаб рассомнинг гипс, шамот, бронзадаги пластик композициялари, портрет ва чизма тасвирлари мутахассислар ва томошабинларнинг диққат марказида бўлди. Унинг асарлари Ўзбекистоннинг турли кўргазмаларида иштирок этди. Республикамизнинг музей тўпламлари ва хориждаги шахсий коллекцияларидан ўрин эгаллади.

— Азаматнинг илк ишларидаёқ романтик ижодга интилиш, рамзий шакллар ва эмоционал образларга ёндашув кузатилади. Унинг бетакрор ҳайкал ва чизма тасвирларининг кўп қисмида мавзу ва мотив рассомга хос бўлган усталик билан бажарилган. Туғилиб ўсган ўлкаси Сурхондарёнинг сиймолари, шарқ лирикаси ва тарихи билан суғорилган,—дейди Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов. — Ҳайкалтарошликда Азамат ўзининг бетакрор янгилиги билан, шаклни бошқаларга ўхшатмасдан, ўзининг фикри, қандайдир ички бир ҳиссиётларини ҳеч иккиланмасдан ижодида намоён этади. Бугунги кунда ҳақиқатан ҳам профессионал нуқтаи назардан катта ютуққа эга. Бугун Азамат Бадиий Академиянинг энг юксак мукофоти олтин медалига сазовор бўлганлигини эшитиб хурсанд бўлдим. Бу унинг ижодига алоҳида муҳрланди. Ўйлайманки, бу ижодкорнинг ижодига берилган катта баҳо.

Мазкур кўргазмада рассомнинг охирги йилларда яратган 60 дан ортиқ ҳайкалтарошлик, чизма тасвир ва рангтасвир композициялари намойиш этилмоқда. Азамат 1982 йилдан Ўзбекистон ва хориж кўргазмалари иштирокчиси. Ўзбекистон Бадиий академияси Ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Бадиий академиянинг кумуш медали билан тақдирланган. «Ўзбекистон маданияти ва санъати» танловида Гран-при ва «2005 йилнинг энг яхши рассоми» совринларига эга бўлган. Рассомнинг ижодига назар ташлаб, унинг юксак истеъдоди ва маҳоратининг гувоҳи бўласиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Азамат Ҳатамов асарлари кўргазмасидан лавҳалар**

**Владимир Гранкин олган суратлар**

**"КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЁШ АВЛОДНИ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИНГ ДАРСДАН ВА ИШДАН БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

# "СИЗ ҚОНУНЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?"

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўтказаётган "Интеллектуал олимпиада" лойиҳаси ана шундай ишлар сирасига киради. Лойиҳа доирасида "Сиз қонунларни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловлари, спорт мусобақалари ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш режалаштирилган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мазкур лойиҳа доирасида Шайхонтоҳур туманидаги мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунларни биласизми?" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ёшлар қонунчилик асослари, Конституциямиздаги инсонпарварлик тамойиллари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасига оид билимини намойиш этди. Беллашувда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги академик лицей жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ТЕАТРДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

**ПОЙТАХТДАГИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА «ЎТГАН ЗАМОН ҲАНГОМАЛАРИ» НОМЛИ СЦЕНАРИЙ АСОСИДА КОМЕДИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ СПЕКТАКЛЬ САҲНАЛАШТИРИЛДИ.**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли режиссёр Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилган спектакль нафақат кўнгил очар томоша, балки томошабинни мушоҳада юритишга, иродасини тоблашга чорловчи ижод маҳсули бўлди.

"Ўтган замон ҳангомалари" спектаклида жозиба ва ранг-баранглик, воқеалар ривожи уйғун ҳолда саҳна орқали ифода этилганки уни бевосита кузатаётган томошабин гўёки ана шу жараёнлар оғушида ўзини ҳис этади. Бу бежиз эмас, негаки саҳна асарининг томошабоп бўлиши баробарида театр санъатининг нечоғлик куч-қудратини билиш қийин эмас.

Ўзбек Миллий академик драма театри оммабоп театр сифатида кўпчиликнинг эътиборини қозонган. Саҳналаштирилаётган асарларда ҳам бу жиҳат инобатга олинган бўлиб, комедия йўналиши спектаклнинг бош ғояларидан биридир.

Муаллиф ана шу саҳна асари орқали асрлар оша бизгача етиб келган анъана ва қадриятларнинг бетакрор жиҳатларини намоён этиб, халқнинг донолигини, кулги, ҳазил ва мутойибага мойиллигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Саҳна асари ана шу томонлари билан ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ▪ ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.**2009 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 01.12.2008 йилдаги 1-889/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ омборида сақланаётган, «Нексия» русумли, д/р 18S8205 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 350 978 сўм.

**II**. Шунингдек 2009 йил 3 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 18.12.2006 йилдаги 10-0610/13548-сон, 25.07.2007 йилдаги 10-0718/6855-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11834-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11835-сон, 12.02.2008 йилдаги 10-0718/15363-сон, 26.08.2008 йилдаги 10-0804/8759-сон, 25.11.2008 йилдаги 10-0804/13223-сонли ижро варақаларига асосан қуйидаги мол-мулклари қўйилмоқда. 1.Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Хуштепа кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган, «Республика қишлоқ хўжалиги ва эҳтиёт қисмлари базаси»га тегишли база бинолари. Бошланғич баҳоси — 242 000 000 сўм. 2.Тошкент шаҳар «Себзор» жарима майдончасида сақланаётган «ГАЗ-3102» русумли, д/р 10АЕ707 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 600 000 сўм. —«Матиз» русумли, д/р 10BD330 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 500 000 сўм. «Нексия» русумли, д/р 10AY378 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 400 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ва ярим тиркамалар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО 00901, ИНН 200933850, ҳ/р 20210000500571452105. Манзил Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. . Тел 228-79-52 www.rkmb.uz

**Савдоларга марҳамат!**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс (3712) 233-21-56.Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

Хусусий тадбиркор Абидов Раҳматжон Бахтиёровичга тегишли бўлган, Зангиота тумани ДСИ томонидан 2008 йил 12 мартда берилган № 019312 сонли гувоҳнома, 2008 йил 2 апрелда берилган № 019312 сонли ҳисобга олиш картаси, Зангиота тумани ДСИ томонидан берилган касса китоби, Зангиота тумани ДСИ томонидан берилган товарларни рўйхатга олиш китоби, Зангиота тумани ДСИ томонидан берилган «Меркурий Ф-115» касса аппарати, Зангиота туман ҳокимияти томонидан берилган лицензия, 2008 йил 14 мартда Т.И.А.И томонидан берилган № 11/7/03033 сонли гувоҳнома, 2008 йил 15 августда Т.И.А.И томонидан берилган № 11/7/03033 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

### ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| Директорлик лавозимига | | | |
| 1 | Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги 2-сон академик лицей | Сергели тумани, 7-даҳа | Янги қурилаётган |
| 2 | Бектемир тумани Тошкент иқтисодиёт ва саноат касб-ҳунар коллежи | Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси | Янги қурилаётган |

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

*1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;*
*2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;*
*3.Сўровнома (справка-объективка);*
*4.Таржимаи ҳол;*
*5.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;*
*6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;*
*7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);*
*8.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;*
*9.Паспорт (нусхаси;)*
*10.Тавсифнома.*
*11.Меҳнат дафтарчасидан нусха.*

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.**
**Тел: 252-23-31, 252-23-35.**

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 106.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4512 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 6

Топширилган вақти: 12.55